

Германия ёшларининг аксарияти масжидлар қурилишига қарши эмас



07:30 / 06.03.2019 2834

Германияда ёшлар орасида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳар тўрт нафар ёшдан учтаси масжидлар қурилишини қабул қилган, деб хабар беради IQNA.

FORSA томонидан 16-24 ёшдаги ёшлар орасида ўтказилган онлайн сўровномада қатнашувчиларнинг 24 фоизи ўз ҳудудларида масжид қурилиши масаласида хавотирлик билдирган. Қолган қисми ижобий маънода муносабат билдирган.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Германия фуқароси бирданига иммиграция ёки ислом каби масалаларга изоҳ беришга қийналади. Яъни бу мавзулар олмон жамияти учун ҳали тўлиқ ўрганилмагани билан ажралиб

туради. Сўровномага жавоб берганларнинг 51 фоизи юқоридаги назарияга дахлдор ҳисобланади.

Islom.uz